



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 4 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (14.037)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДУШАНБЕ ШАҲРИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Тожикистон Республикасининг пойтахти – Душанбе шаҳри раиси Рустам Эмомалини қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Икки қардош мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш таъминлангани, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Душанбе шаҳри раиси Рустам Эмомали қабул учун самимий миннатдорлик билдириб, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Шаҳарни бошқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, "Йўл харитаси" асосида қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш каби йўналишларда мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎҚУВЧИЛАР "ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР"ДА БЕЛЛАШДИ

Бу йил илк марта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" танлови ўтказилди.

"Туркистон" саройида бўлиб ўтган танловнинг якуний босқичида Кегайли тумани 14-мактабнинг "Юмор", Гулистон шаҳар 8-мактабнинг "Зур-зур", Самарқанд шаҳар 21-мактабнинг "Позитив", Қибрай тумани 6-мактабнинг "Қибрай юдузлари", Жиззах шаҳар 16-мактабнинг "Юдузлар" жамоалари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги та-

шаббуси билан Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда "Zo'rtv" телеканали ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 4 минг 550 жамоа иштирок этди. Жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида туман (шаҳар), вилоят ҳамда ҳудудлараро саралаш босқичларида 60 мингдан зиёд йигит-қиз жалб этилди.

Мазкур танлов ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли таш-

кил этиш, уларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантириш, янги истеъодларни кашф қилишга хизмат қилади.

Танловнинг якуний натижаларига кўра 1-ўринни "Юмор" жамоаси эгаллади. 2-ўринга "Позитив" жамоаси муносиб кўрилди, 3-ўринни эса "Юдузлар" жамоаси қўлга киритди. Ҳали ва совриндор жамоалар диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Б. МЕЛИҚУЛОВА,
Ў.А. муҳбири

САЙЛОВ – 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан "Халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг

ВАҚТИНЧА РЎЙХАТДА ТУРГАН ФУҚАРО ЎЗ ҲУДУДИДАГИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗ БЕРИШИ МУМКИН

Халқаро матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Унда жорий йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларининг сайловга оид конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқариш мақсадида чет давлатларда очилган сайлов участкалари фаолиятини сайлов қонунчилиги талабларига бinoан ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мажлисида Анкара шаҳридаги Ўзбекистон элчихонаси билан ўрнатилган бево-сита видеоконференцалоқа орқали Ўзбекистоннинг Туркия Республикасидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Алишер Аъзамхўжаевнинг ахбороти тингланди.

Элчихона томонидан Туркиянинг Анкара ҳамда Истанбул шаҳарларида очилган сайлов участкалари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига бinoан ташкил этилган. 22 декабрь куни бўладиган сайловларда иштирок этиш истагини билдирган сайловчилар рўйхатини тузиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ушбу муҳим сиёсий жараёнга оид маълумотлар билан танишишни истаган Ўзбекистоннинг Туркиядаги фуқаролари элчихонанинг расмий веб-сайтидан сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, овоз бериш манзили ва куни, вақти ҳамда бошқа кўплаб ахборотларни олиши мумкин.

Айни пайтда сайловчилар saylov.mfa.uz манзили орқали электрон рўйхатдан ўтиши мумкин.

Элчининг айтишича, сайловчилар билан мунтазам йўлга қўйилган учрашу-ларда ватандошларимиз сайловларда фаол иштирок

(Давоми 2-бетда)

ФИНЛЯНДИЯДАН 100 ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИЯ

Тошкентда "Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси" номли ўзбек тилида чоп этилган китоб тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдиротда Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси М.Ливвала, китоб муаллифи, экспертлар, юртимиздаги дипломатик корпуси вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан уюштирилди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи, жумладан, Финляндия муносабатлари барқарор ривожланиб келаётгани, кейинги йилларда бу муносабатлар янги поғонага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Ушбу давлат бундан 50 йил бурун Европадаги энг қашшоқ мамлакатлардан бири эди. Бироқ финлар ривожланишда миллий кадрларга таянди ҳамда энг илгор гоғларни ҳаётга жорий этишдан чўчимади. Жамиятдаги тенглик, ўзаро ишонч, келажакни ҳамжихат бўлиб яратиш иштиёқи бугунги муваффақиятларнинг бош омил бўлди. Ҳозир бу мамлакат тараққиётига ҳар қандай давлат ҳавас қилса арзийди.

Мамлакатда таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Богчадан тортиб олий ўқув юртиларида таълим олиш текин қилинди. Коррупция даражаси пастлиги бўйича Финляндия дунё бўйича олдинги ўринларда. Сайёраимизда энг бахтли халқ, деганда ҳам финлар биринчи бўлиб тилга олинади.

Тадбирда китоб муаллифи Илкка Тайпале Ўзбекистонда улкан янгиланишлар кечаётганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Айни пайтда Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётида инновацияларга устуворлик бераётгани, бу сайёра характерлар, албатта, ўз самарасини бераётгани қайд этди.

Мазкур китоб 50 тилга таржима қилинган бўлиб, тури тилларга таржима қилиш бўйича финларнинг "Калевала" эпосидан кейин иккинчи ўринда турар экан. Тақдиротда сўзга чиққанлар китоб Ўзбекистонда ҳам кенг аудиторияга эга бўлишини таъкидлашди.

Китоб Рустамжон Сувокулов таржимасида "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр қилинган бўлиб, кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Саидмурод РАҲИМОВ

Тошкентда МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда аҳолини рўйхатга олиш: 2020 йил давраси" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ЎРГАНИЛМОҚДА

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, етакчи илмий марказлар тадқиқотчилари, олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда МДХ мамлакатларида аҳолини рўйхатга олиш бўйича муҳокамалар олиб борилаётганда. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2022 йилда мамлакатимиз замонавий тарихида биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши белгиланган.

Маълумки, МДХга аъзо мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш сўнги 30 йилда биринчи марта ўтказилмоқда. Шунга кўра, рўйхатга олиш дастурларига киритиш учун кўрсаткичлар, саволлар тарифи ва уларни тўлдириш учун услубий кўрсатмалар Ҳамдўстликга аъзо давлатлар статистика идоралари билан келишилди. Бу минтақада аҳолининг фаол ҳаракатланиши учун муҳим бўлган миграция ҳажми ва оқими тўғрисида солиштирма маълумотларни олиш ва Ҳамдўстлик мамлакатлари нуфусининг ум-

мий ишчи кучини баҳолаш имконини беради.

Тадбирда жорий йил октябрь ойида Озарбайжон ва Беларусь Республикаларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари, мамлакатимиз ва Ҳамдўстликга аъзо бошқа давлатларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик жараёни, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларини мониторинг қилиш учун аҳолини рўйхатга олиш ахборот манбалари имкониятлари ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистонда охириги марта аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган, дейди Давлат статистика қўмитаси масъул ходими Шерзод Дўснаев. – Бугунги кунда аҳолини рўйхатга олиш имкониятлари кенгайди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва маълумотларни тўплашнинг рақамли усулларида кенг фойдаланиш, электрон харита ва анкеталар, интернет, маълумот маълумотлар манбалари шулар жумласидан. Мазкур халқаро семинар Ҳамдўстлик мамлакатлари статистика идоралари мутахассислари учун ўзаро тажриба алмашиш имконини беради, аъзо давлатларнинг статистик салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Гулноза БОБОЕВА

XXI саҳоси аср Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида "Янги Ўзбекистон: Янги сайловлар" шiori остида Сарийосиб ва Узун туманларига медиа-тур ташкил этилди. Сайловларни ёритиш учун

аккредитациядан ўтган журналистлар, туман ҳокимликлари газеталари бош муҳаррирлари ва фаол блогерлар Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 85-Сарийосиб округ сайлов комиссиясида бўлиб, бинода комиссия аъзоларига яратилган шaroитлар ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Жиззах шаҳрида Халқаро ноғиронлар куни муносабати билан тадбир ташкил этилди. Унда ноғиронлиги бўлган 60 нафар юрtdошимизга арава-чалар ва реабилитация усуналари, имконияти чекланган 315 нафар инсонга озик-овқат маҳсулотлари топширилди.

Навоий вилоятининг Кармана туманидаги "Ҳазора" маҳалла фуқаролар йиғинида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят маҳаллалар кенгаши, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тарғибот тадбири "Маърифатли қизнинг

қадами кутлуг келур" деб номланди. Тадбирда оила ва маҳаллаларда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, жамоат ва давлат ташкилотлари ўртасида бир-бирини тўлдирадиган, самарали ҳамкорликни жорий этиш, ушбу йўналишда жамоат ташкилотлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик дастурида белгиланган вазифалар ижроси кенг муҳокама этилди.

ЖАҲОНДА

Греция шимолидаги Марказий Македонияда, Сера шаҳри яқинидаги қазилма ишлари вақтида аввал фанга номаълум бўлган илонларнинг икки турининг қолдиқлари топилди. Илон қолдиқларини топган тадқиқотчи уларнинг тахминий ёшини ҳам аниқлаган. Судралиб юрувчиларнинг ёши 5,5 миллиондан 6 миллион йилгача бориб етиши мумкин. Олим уларга Periergorphis micros (грекча "ғалати илон") ва Paraxenophis spanios ("камёб ўзгача

илон") деб номлади. Торонто университетининг палеонтолог Гeоргис Георгалис топилган икки илон турининг бошқа ҳар қандай турдаги илонлардан фарқли эканлигини қайд этди ва шу сабабли ҳам уларга янги ном берилганини таъкидлади. "Улар шу қадар гаройибки, биз илонларни қайсидир туркум ёки турга мансуб деб айта олмаيمиз. Шу сабабли уларни алоҳида бир тур деб ажратиш мақсадга мувофиқ. Умуртқа поғонасининг бундай анатом шакли аввал кузатилмаган. Замонавий ҳайвонларда ҳам қирилиб кетган турларга мансуб илонларда ҳам лоқал морфологияси ушбу икки илонга ўхшаш судралиб юрувчи учрамаган", – дейди олим. Георгалис ушбу кашфиёт ҳақида ёзган мақоласида Германия, Швейцария ва Чехия палеонтологлари билан ушбу икки янги тур илонларни ўрганилаётганини айтиб ўтган.

Мали жанубида иккита вертолётнинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 13 нафар француз ҳарбийлари ҳалок бўлди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

ВАҚТИНЧА РЎЙХАТДА ТУРГАН ФУҚАРО ЎЗ ХУДУДИДАГИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗ БЕРИШИ МҲМКИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини, жумладан, сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва эркин амалга ошириши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Сайлов кодексида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва уларни рўйбга чиқариш учун имкониятлар тенглигини таъминлаш, тўсқинчи фойдаланиш бўйича қоидалар киритилганлиги ногиронлиги бўлган шахслар учун қўлай шароит яратилишига хизмат қилади.

да шу йил 27 сентябрь кун иш-лолланган икки томонлама келишувларга мосдир. Мажлисида номлари қайд этилган жамиятларнинг 2019 йил 22 декабрда ўтказиладиган сайловларда "Сайловларда тенг имкониятлар!" шiori остида иштирок этиш борасидаги таъаббуси маъқуллаиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, сайлов тadbирларини илoжи бoричa биoларнинг биринчи қaвaтидa ўткaзиш бўйичa тaвсиялар берилди. Чунки, иккинчи, учинчи қaвaтларгa қикшиш ногиронлиги бўлган шахсларгa қийинчиликлар туғдиради.

сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхатида киритилиши участка сайлов комиссияси ўтказиладиган ўтказиладиган фуқаролар бўлса, уларнинг овоз бериш кун ишбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмалиги ўзаро суҳбат чоғида участка сайлов комиссияси аъзоси томонидан аниқланиши ва сайловчи вақтинча яшab турган жoйи бўйича сайловчилар рўйхатигa киритиш хал этилади.

сайловга кaмидa уч кун қолгунгa қадар мурожаат қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш давом этмоқда. Хозирги кунгa қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони 254 тагa етди. Худди шундaи ваколатгa эгa бўлган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони эсa 85 тани ташкил этмоқда.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

ОИЛА БАХТИ — ЖАМИЯТ БАХТИ

Оила муаммоси — жамият аззолари, яъни барчамизнинг муаммомиздир.
Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан).

Оила — азалдан юртимизда мурқадас кўрғон сифатида юксак қадрланган. Уни асраш, бузилишига йўл қўймаслик доим долзарблик касб этган ва бу бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Президентимиз раҳбарлигида олиб бoриладиган жамият ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам жамиятимизда яшаётган ҳар бир оиланинг бахтли уялини таъминлашга қаратилган. Бу борада мисли қўрилмаган, алани ишлар амалга оширилади.

Яшаш учун қўлай шарт-шароит яратиш, оилаларни уй-жойлар билан таъминлаш, уларга турли ижтимоий ёрдам ва имтиёزلар бeриш давoм этмоқда.

Инсон бахтли яшашини таъминлашнинг ая бир муҳим омил — маънавият, ахлоқ масаласи ҳам борки, бу бугун жамoатчиликнинг эътиборида бўлиши лoзим. Зeрo, адиб Тoхир Малик қайд этганидек, "... бахт тушунчасининг моддий томонидан кўра маънавий томони ортироқдир".

Албатта, жамиятда бахтли оилалар бирга бундан мусoво оилалар ҳам мавжуд. Шу ўринда, оила бахтли бўлиши сирини нимадa-ю, бахтсизлигининг сабаблари нимадa, деган савoл туғилиши табиий.

Оиласидан ажрашиб, фарзандлари меҳр-муҳаббатидан жудо бўлган бой одам ва унинг оила аъзоларини бахтли, деб бўлмаганидек, фақир бўлса-да фарзандлари қoбил, ўзарo меҳр-оқибатли оила аъзоларини бахтсиз, дeл oлмайми.

Айни пайтда ака-ука, ота-бoла ёки эр-хoтин ўртасидa турли низоларнинг вужудгa кeладиганлиги, ҳатто низо oрқасидa бири иккинчисининг жонига қасд қилётганининг, она ўз фарзандидан воз кeчиб, норасида гўдагини пулламoқчи бўлaётганининг асли сабаби нимадa?

Ёки "бой ўғил"нинг мулк илнжида ўз oтасини руҳий бeморлар шифохонасига жойлаштирилганлиги, шифохонадан чиққан бир хонали уйда бошқа фарзанди (қизи)гa кўрсатмасдан саклаганлиги ёки бошқа бир "бой ўғил"нинг эсa бир нечта уйи бўла туриб, ўз oнасини уйдан ҳайдаб юборганлигини қандай тушуниш лoзим?

Ёки, рисoладагидек турмуш ўртоғи ва фарзандлари бўла туриб, фарзандларини йўлга солиш, уйлai-жойли қилиш ўрини-га, оиласини сабoсиз ташлаб, ўзи бошқа қизга уйланиб кетган oтагa, оиласига хиёнат қилиб, фарзандларини ташлаб, бошқа эрини қўлини тутиб кетётгани аёлга нима бўлган?

Нега оила аъзоси бўлган эр-хoтин ёки фарзандлар ўз жонига қасд қилиш oрқали ҳаётига ақун ясамоқда? Оилавий низоларнинг сабаби нимадa?

Ушбу савoлларнинг биронтасига сабаб моддий томонда, дeб жавoб бeра oлмайми ва шунингдек, муаммонинг моддий жиҳатдан, яъни пул ва бойлик билан хал этиб ҳам бўлмаслиги барчага аён.

Муаммо — бой ўғилнинг маънавий қашшоқлиги, яъни унинг ўз вақтида олган меҳри ва тарбиясидаги бўлишда, ажрашаётган oта-онанинг масъулиятсизлигида, яъни, бир сўз билан айтганда, муаммо шах маънавият ва ахлоқи билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Хеч кимга сир эмас, жамиятда маълум бир масалада ўзгартириш ёришишда жамoатчиликнинг фикри, муносабати ва сазй-харакати жуда муҳим оимил ҳисобланади.

Оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, oта-оналар масъулияти ва оиладаги муносабатлар масаласига, айниқса, муаммони, нотинч оилалар билан ишлашга хoтин-қизлар қўйиб, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда Ёшлар иттифoқи вакиллари, яъни кенг жамoатчилик томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лoзим.

Тўғри, бу билгизна учрашув ўтказиб, "яқши яшаш керак", дeб ўқитиш билан бирдан хал бўлиб қоладиган масала эмас. Шунинг учун, фикримизда, биринчидан, мустақкам, рисoладагидек оилалар вужудгa келиши масаласига доимий эътибор қаратиш, лoзим бўлса oтин-қизлар қўйиб, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда маҳалла фаоллари томонидан жиҳдий жамoат наозарати ўрнатилиши керак.

Бунда, асосий эътиборни мактаб, коллеж ва олий ўқув юртидаги ёшлар маънавиятини шакллантириш ҳамда уларни оиллага тайёрлаш масаласига қаратиб, айни пайтда бу борада олиб бoриладиган ишлар, дарсларни таҳлиллий ўрғаниб, уни яхшилаш борасида тегишли чoрaлар кўриш зарур. Шунингдек, оила куриш истигадга бўлган ёшлар билан ишлаш, уларга амалдаги оила кoнунчилиги талаблари билан бирга эр-хoтиннинг бурчи, хотиннинг эрдаги ҳаққи, эрини хотиндаги ҳаққи, уларнинг бўлажак фарзандлари олдидаги бурчининг кенг тушуниши лoзим.

Иккинчидан, oдоб-ахлоқ, нафс тарбияси, яқшилиш ва ёмонлик, гнуҳ ва савoб ҳамда инфoс ва унинг масъулияти борасида тегишли мутахассислар, ёзувчилар, олим ва фaйласуфлар, имoм-хатиблар иштирокида кенг қaмровли ва тизимлий олмада таъсирчан тарбиявий иш олиб бoриш лoзим. Бунда оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

Тинч ва ахл яшаш, фарзандларини яқши тарбиялаш, умргузoронлик қилиб кeлётган oта-оналар, уларнинг ҳаёт йўли ҳамда бошқалар бахти учун олол ёрдам қўлини қўзғатган инсонлар тўғрисида маълумотлар бeриб бoрилиши ҳам жамoатчилик, айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантиришда биргина салбий ҳoлатларни кўрсатиш эмас, балки ўрнатқчи ҳoлатларни ҳам улар ҳуқимига ҳавoла қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда асосий эътиборни оила мустақамлиги нимага олиб келиши, шунингдек, ажралишлар оқибати инсон ҳаётига қандай таъсир этшини аниқ мисoлларда, масалан, ажрашган оила аъзолари, oта-она ва фарзандларнинг жинoят қўчасига кириб кетганлиги каби ҳoлатларни кўрсатиш лoзим.

Қачoнки, оила аъзолари ўзарo тoтув ва иноқ бўлса, улар ўртасидаги муносабатлар азаллий қадриятларимизга асосланган бўлса, у оила бахтли бўлади. Жамият таърихи айланада, бахтсиз, нотинч-носoғлом оила эсa жамият учун муаммолар манбаидир.

Хадисда "Мўминлар бир-бирларини севишда ва бир-бирларига марҳамат кўрсатишда бир тан-бир жонгa ўхшайдилар. Танининг бир аъзоси хасталанган пайтда бошқа аъзолар уни дoволашга ҳаракат қилди", дeб таъкидлангани бежиз эмас. Агар ҳар қандай оила муаммосига "бу менинг муаммом эмас, мeнгa нима" қабилида эмас, аксинча, "бу бизнинг муаммомиз", дeб қарасак, кимгадир моддий ва кимгадир маънавий кўмак қўлимизни чўсак, адaшганга тўғри йўлни кўрсатсак ёки бир оғиз дaлдa бeрсак, натижа ўта ижобий бўлиши мумкин.

Шунда бу юқорида қайд этилган, бугун оммавий ахборот воситаларида бoт-бoт ёриладиётган оилавий низолар, бир-бирини уриб жарoхатлаш, жонига қасд қилиш ҳoлатлари, қолаверса, бугун жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жинoятлар кeскин қамайишига олиб кeлади.

Хoлмўмин ЕДГОРОВ,
Олий суд раисининг ўринбосари

Юртимизда бўлиб ўтаётган "Саломатлик ҳафталиги" доирасида соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида биринчи ўзбек-турк бизнес форуми ҳам ташкил этилди. Унда Туркия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Фахруддин Қовжа бошчилигидаги делегация иштирок этмоқда.

ЎЗБЕК-ТУРК БИЗНЕС ФОРУМИ

Шу йил февраль ойида Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг юқори даражадаги вазирлар иштирокидаги соғлиқни сақлаш соҳасида факулдада вазиятлардан одамларни ҳимоя қилиш учун кўчаларни бeриштириш мавзусига бағишланган йилгилишда Тoшкeнтда ўзбек-турк форумини ташкил этишга келишилди, икки мамлакат соғлиқни сақлаш вазирилари Алишер Шoдмoнов ва Фахруддин Қoвжa 2019-2020 йилларга мўлжалланган ўзарo ҳамкoрликни янада кeнгayтиришга қаратилган "Йул хартисини" имзолаган эди.

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири – хусусий мулк кафолатларини амалда таъминлаш ва тadbиркорликка кенг йўл очишдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тadbиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш йўлидаги маълумий гoвлар ва сунъий тўсиқларни бaр-тараф этиш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан белгиланган чoра-тadbирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида бугунги кунда хусусий тadbиркорлик иқтисодиётимизнинг ҳақиқий пойдевориға айланди.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмлари янада мустаҳкамлаш, тadbиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бaр-тараф этиш, республикада инвестиция яхшилаш айлнқса мумкин.

Аваломбор, хусусий мулк фуқароларнинг нафақат даромад манбаини ошириш, балки мамлакат иқтисодиётига янги технологияларни кенг жорий этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, соқилқар тўлаш oрқали давлат ҳазинасини бойитишга ҳам хизмат қилишини таъкидлаш лoзим. Бинобарин, хусусий мулкка эгa бўлган шахс ўз мулки, даромадини янада кўпайтиришга интилади. Шу маънода ўзининг оиласи турмуш фаровонлигини ошириб бoриш билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги кўплаб вазифаларни бажаришда ҳам фаол иштирок этади.

"Kanimed saglik gozumlar" kompaniyasi bilan Termiz, Namangan, Andijon va Toshkentda 70 million AQSh dollari miqdoriga laboratoriya diagnostika markazlarini tashkil etishi, shuningdek, xususiy kasalxonalar kurishi buniycha 30 million AQSh dollari miqdoriga loyihalar amalga oshirilmoqda. Yaqinda Termiz shahrida zamonaviy "Kali-med" laboratoriyasi markazi ochilganini alohida taъkidlash kerak. Bu erda 30 ta yangi ish urni yaratilib, 300 ga yakin turдан ortiq laboratoriya taxtilarini baxaririoqmoqda. "Alles Tek Group" turk kompaniyasi bilan telemeditsina, gemoanaliz xizmati va laboratoriya xizmatlarini tashkil etish borasida davlat-xususiy шериклиг асосида фаол иштирок олиб бoрилмақда. Хар икки мамлакат соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари томонидан қатор манфаатли келишувларга эришилди. Жумладан, шошилинч ва тез тиббий хизмат, фармацевтика, тиббий таълим, онкология ва радиология, гематология ва қон қуйиш, педиятрия, акушерлик ва гинекология, хусусий тиббиёт каби қатор муҳим йўналишларда меморандумлар имзоланди.

Форум доирасида ҳар икки мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият акс этган кўргазма кўпчиликлa манзур бўлди. Шунингдек, ўзарo ҳамкoрлик бўйича учрашувлар, тақдимотлар, давра суҳбатлари ҳамда турк делегацияси вакиллари билан хусусий тиббиёт муассасаларига таширфлари ташкил этилмоқда. Икки мамлакат соғлиқни сақлаш вазирилари Республика шoшилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Тошкeнт пeдиатрия тиббиёт институти клиникасини фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзбек-турк шифoр-кoрлари ҳамкoрлигида тиббиётнинг турли йўналишларидa нoёб жарoхлик амалиётлари ўтказилган бе-морлар ҳoлидан хабар олишилди.

Делегация аъзоларининг мамлакатимиз учун катта маданий ва маънавий аҳамиятга эгa бўлган қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига таширфи ҳам режалаштирилган.

Мохигул ҚOСИМОВА

ишлар натижасида хусусий мулк нафақат моддий мустақилликнинг, балки шахсининг маънавий эркинлигининг ҳам асосини, манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиши янада кучайтириш, унинг қoнуний ҳамда амалий жиҳатдан устувор рoлини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик учун қўлай шарт-шарoитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қoнуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, республиканинг инвестициявий жoибaдорлигини ошириш йўлида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқeини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг қaмровли институционал ва таркибий ислохотлар ҳаётга тadbик этилмақда.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожига тўсиқ бўлиб кeлaётган валюта қoнвeртацияси масаласининг ниҳоятда қисқа вақтда тadbиркoрлар учун оғриқсиз хал этилиши хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳалигача экспертлар таҳлилига мавзу бўлиб қoлмоқда. МДХ давлатлари ичида биринчидан бўлиб мамлакат раҳбари ҳузурида тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қoнуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил институтининг жoрий этилиши бу борада ташланган ниҳоятда катта қадам бўлди.

2019 йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номлангани бежиз эмас ва бу аввало Ҳаракатлар стратегияси узвий амалга ошириладиганидан далoлатдир.

Шу билан бирга тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий савoдхoрлигини ошириш мақсaдидa судья ва суд хoдимлари томонидан мунтазам равишда улар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб бoрилмақда.

Президентимиз Шaвкaт Мирзиёев таъбири билан айтганда, тadbиркoр на-фақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқaди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз иқтисодиёти-ни ривожлантириш, халқимизнинг фaрoвон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тугаётган тadbиркoрлик фаoлия-тини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сисeтaсининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Фаол тadbиркoр дeгaнда биз рaкoбaтбардoш маҳсулот ишлaб чиқаришга қoдир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқaдиган, балки бугун жамиятга наф қeл-тирадиган ишбилармон инсонларни ту-шунамиз. Бундай тadbиркoрлар сафи-ни кeнгayтириш, жумладан, юқoри тeх-

нологиялар, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларига асосланган техника ва асбoб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жoрий этиш учун уларга мунoсиб шарoитлар яратиш бизнинг би-ринчи галдига вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хoриждаги етaчки компa-ния ва тaшкилoтларда тaжрибa ортти-риши, ўзарo манфаатли ҳамкoрлик қилиши учун уларга ҳар томонлама им-кoният тугдириб бeришимиз лoзим.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновация ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бoраётган хoзирги даврда янги фикр, янги гoягa, инновацияга таянган давлат ютади.

Бугун дунёда инновациялар миллий иқтисодиётнинг рақoбатдошлиги ортиши ва бaрқoрoр ривожланишида муҳим аҳамият қaсoб этаёпти. "Билимларга асосланган иқтисодиёт" йўналишида илмий-техника сисeтaсини амалга оширадиган давлатларда самарадорлик ҳамда жадал иқтисодий ривожланиш кузатилмақда.

Тadbиркoрлик фаoлиятининг эркин-лиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан бeён ҳам давлат сисeтaсининг устувор йўналиши бўлиб қoлишини таъкидлар экан, давлатимиз раҳбари "Ҳеч мубoлагасиз айтиш мум-кинки, ана шу конституциявий қoида-рини изчил амалга оширилиши ижти-моий йўналтирилган бозор иқтисодиё-тини жадал ривожлантириш бўйича олиб бoраётган барча ишларимизнинг мaзу-му-ҳoиятини белгилаб бeради", дeб таъкидлайди.

И. КУРБАНОВА,
судья

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛНИШИ

Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада 2019 йил январь-октябрь ойида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 52 836.5 млрд. сўмини ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсish сурьати 116,2 фоиздан иборат бўлди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатилмақда. Валюта сисeтaсини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лoйиҳаларини кредитлаш қўламини кeнгayтириш, шунинг-дек, молиявий таъминотлар томонидан инновация хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизмат-лар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56,3 фоизга ўсиб, 15 221,4 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улushi 28,8 фоизни ташкил қилади).

2019 йил январь-октябрь ойида транспорт хизматлари ҳажми-ни ошишига таъсир қилган омилларидан бири йўловчи ва юклар-ни тaшиш хизматлариға бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади. Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улushi авто-мобиль транспорт орқали кўрсатилган хизматлар (59,2 фoиз) эгал-лайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшиккача" етказиб бeришга қўлайлиги, транспорт воситасини ҳaра-катлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқoри тeхнолoгик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматлар-нинг янги турларининг кeнгayтирилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланishi алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар-нинг ошишига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хиз-матлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга ўсиб, 4 738,8 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улushi 9,0 фoизни ташкил қилади).

Тoшкeнт шаҳар Статистика бoшқармaси



Ўртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, кенг қамровли ислохотлар бутунлай янги, юксалиш босқичига чиқди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон очик, прагматик сиёсат сари юзланди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамиятда кечаётган кучли модернизация жараёни барча соҳада юксалиш тўлқинини юзага келтирди. Бу дунё ҳамжамиятининг ҳам этирофига сазовор бўлаётгани халқимизни янада руҳлантириб, барчамизни янги марралар, улкан мақсадлар сари ундамоқда.

Мухими шундаки, бугунги ҳаётимиздаги тарихий ўзгаришлардан, энг аввало, халқимиз баҳраманд бўлмоқда. Одамлар ҳаёти ва кундалик турмуш шароити яхшиланиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотлар мазмун ва аҳамиятига кўра бутунлай янги босқичга кўтарилди. Кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, сўз эркинлиги тамойиллари таъминланди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун тенг шароит яратилди.

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб ўтадиган сайлов сиёсий партиялар ва парламент фаолияти билан боғлиқ ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда янги даражага кўтаришда долзарб аҳамиятга эгадир. Халқимиз, ушбу сайловга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

5 йиллик ортга назар: таҳлил ва натижа

Партиямиз 2014 йилги сайловлар жараёнида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли қатлами ўзининг асосий ижтимоий гуруҳи, доимий электорати, деб белгилаб олган эди.

Ўтган сайлов натижаларига кўра, партиямиз Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнидан 27 та, вилоят Кенгашларидаги 806 та депутатлик ўрнидан 214 та ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларидаги 5 181 та депутатлик ўрнидан 1 659 та сисни эгаллаган эди.

Партия фракцияси аъзолари 500 дан ортик қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этган. Шунингдек, фракциямиз ташаббуси билан Ҳукумат вакилларининг 50 дан ортик ҳисобот ва ахборотлари эшитилган.

Фракция аъзолари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчилар билан 10 мингдан ортик учрашув ўтказган, уларда 800 мингдан ортик аҳоли вакиллари билан мулоқот олиб борилган. Жараёнда аҳолини ўйлантираётган 50 мингдан ортик масала аниқланиб, уларнинг 45 мингдан ортиги ваколатли органлар ёрдамида ижобий ҳал этилган. 5 мингга яқин муҳожаатнинг ечимини бўйича мутасадди идоралар ва партия ташкилотлари билан биргаликда иш олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан электротат манфаатларини таъминлашга қаратилган 3 243 та масала ва муаммо ўрганилган. Шундан 2 266 та масала доимий комиссияларга ҳамда 1 407 та масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниши ҳамда ижро ҳоқимияти идоралари раҳбарлари зиммасига вазифалар юклатилишига эришилган.

Бундан ташқари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 22 531 та масала бўйича депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 17 675 таси бўйича аниқ натижалар олинди.

Партия кенгашлари қошида фаолият кўрсатаётган 214 та "Жамоатчилик қабулхонаси"га ўтган 5 йил давомида 64 288 та муҳожаат келиб тушган. Муҳожаатларнинг 40 412 таси ёки 63 фоизи ижобий ҳал этилди. Қолган муҳожаатларнинг ижроси партия ташкилотлари ва депутатлари томонидан назоратга олинган.

Ўтган давр мобайнида партиямиз томонидан сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳалла – аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази", "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз!", "Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш энг муҳим устувор йўналиш", "Ҳеч ким меҳр-муруватдан четда қолмайди", "Халқ билан мулоқот ижтимоий муаммоларни ҳал этишининг энг самарали йўли", "Меҳр улашинг" каби 20 га яқин лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, партиямиз аъзолари сони 496 минг 396 нафарни ташкил қилмоқда. Улар 9 минг 930 та бошланғич партия ташкилотларида бирлашган.

Партиямизнинг 243 минг 882 нафар аъзоси ёки 49 фоизи аёллар ҳамда 190 минг 865 нафар аъзоси ёки 38 фоизи ёшлардан иборат.

Ўтган 5 йилда партиямиз аъзоларининг сони 101 минг 439 нафарга кўпайди ва табиий ўсиш кўрсаткичи доимий янгилашиб бормоқда.

Ижтимоий ҳимоя – биз учун принципиал масала

Сайловлар олдидан ҳар бир сиёсий партия ўзининг сайловолди дастури, сиёсий платформасини ишлаб чиқди, тараққиётга хизмат қиладиган янги-янги гоғларни илгари суради.

Партиямиз ҳам янги дастури ва сайловолди дастурини ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатларни тайёрлаш учун сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар, депутатлар ҳамда партия фахрийларидан иборат Ишчи гуруҳлар тузилди.

Ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига-ча чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, иш топишда қийинчиликка дуч келаётган меҳнат мигрантлари би-

лан юзма юз учрашди, уларнинг муаммолари ва тақлифларини ўрганди. Партия дастурлари лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва барча туман (шаҳар) партия кенгашларида кенг муҳокамадан ўтказилди.

Шу билан бирга, Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари тақлифлари билан янада бойитилди. Дастурларимиз содда, халқчил мазмунда тайёрланди. Бу жараёнда куйидан юқорига, "округ – туман (шаҳар) – вилоят – республика" тизимига амал қилинди.

Партиямиз дастурларини янада такомиллаштириш мақсадида Германия, Норвегия, Белгия, Голландия, Буюк Британия, Греция, Италия каби давлатлардаги тажрибалар ўрганилди ва бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бу йилги сайловолди дастуриимиз ҳар томонлама пишиқ-пухта тайёрланди, дейиш учун асослар етарли.

Жорий йил 28 октябрь куни ўтказилган партиямиз курултойида янги дастур ҳамда сайловолди дастури бир овоздан қўллаб-қувватланди. Бундан кейинги энг муҳим вазифамиз ушбу дастурдаги гоғ ва тақлифларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини сайловчилар-

ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, жумладан, таълим муассасаларини тугатганидан сўнг меҳнат бозорига илк мартаба кириб келган ёшлар;

– доимий иш жойи ва барқарор даромадга эга бўлмаган кишилар, жумладан, ички ва ташқи меҳнат мигрантлари.

Бугун мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ҳам етарли салоҳият ва қудратга эга бўлди. Партиямиз бу кучни кам таъминланган қатламлар турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш учун йўналтириш керак, деб ҳисоблайди.

Сайловолди дастурида ҳар бир фуқаронинг Конституция билан қафолатланган меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналиши экани қайд этилган.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида замонавий ишлаб чиқариш қорхоналари ташкил этиш орқали аҳолининг барча қатламларини муносиб иш ўрни ва муносиб иш ҳақи билан таъминлаш фаровонлиқни оширишнинг асосий қафолатидир.

Ички ва ташқи меҳнат мигрантлари, таълим муассасаларини тугатганидан сўнг меҳнат бозорига илк мартаба кириб келган ёшлар ўз иш жойига эга бўлиши партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга.

Ўтказиш ташаббуси дастуриимиздан ўрин олди.

Сайловолди дастуриимизда, шунингдек: – ногиронлиги бўлган болалар учун махсус ўқув қўлланмалари, жумладан, овозли ва Брайль алифбосидаги адабиётларни кўпайтириш, соҳа ўқитувчиларига қўшимча шароит ва имтиёзлар тақдим этиш бўйича давлат бюджети харажатларини ошириш;

– олис қишлоқ аҳоли жойларидаги маданият муассасалари, "Баркамол авлод" ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактабларини молиялаштириш учун бюджет харажатларини ошириш, хусусий ва давлат шерикичилик шаклларида фойдаланиш ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун тўловларни бекор қилиш;

– "Мурувват" ва "Саховат" уйларида истиқомат қилувчи ёлғиз кексалар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар учун замонавий ва ҳар томонлама қулай шароитларни яратиш тақлиф қилинмоқда.

Партиямиз аҳолининг кам таъминланган қатламларига тиббий хизматлар кўрсатиш, айниқса, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш ва олдини олишни ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши, деб билади.

Шу мақсадда:

– мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар ҳажмини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш;

– давлат тиббиёт муассасаларида кам таъминланган аҳоли қатлами учун йилли тўлиқ ихтисослаштирилган юқори технологияли диагностика усуллари билан бепул тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

– ногиронлар, айниқса, ногирон болаларни бепул дори-дармонлар билан таъминлашни йўлга қўйиш; – аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори-дармон, протез-ортопедия воситалари ва бошқа ижтимоий хизматларни имтиёзли тақдим этиш тизимини такомиллаштириш ташаббусларини илгари сурапти.

Партиямиз дастурида олис қишлоқ жойлардаги аҳолининг имкониятини кўчатириш билан боғлиқ муҳим йўналишларда 20 дан ортик қонун қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилди. Хусусан: – аҳолининг кам таъминланган ва бошқа заиф қатламларига бепул ижтимоий хизматлар тақдим этилишини таъминлайдиган "Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

– меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилаш учун "Яшаш минимуми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

– "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиш ташаббуслари шулар жумласидан.

Шунингдек, партиямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини ўрнатилган тартибда илгари суракчи.

Сайловолди дастурида жамиятимиздаги барча муаммоларни қамраб олиш имконияти йўқ. Лекин, шунга қарамай, биз сайловчиларни қийнаётган муаммолардан кўз юма олмаймиз. Бугун одамларни қуруқ гоғлар эмас, балки ҳаётий муаммоларнинг ечимини қизиқтиради.

Шунинг учун партиямизнинг янги Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, ҳар бир туман кенгаши ҳудудлар шароитига мос равишда ўз сайловолди дастурларини ишлаб чиқяпти.

Партиямиз сайловолди дастуридаги вазифалар ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш, шу орқали жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қиладди.

Партиямиз мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа – Олий Махлис ва маҳаллий ҳоқимият вакиллик органларига сайловларда фаол ва муносиб иштирок этиб, Қонунчилик палатасида ҳам, маҳаллий Кенгашларда ҳам энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритишга ишонамиз!

Ўртимиз равнақи ва заҳматқаш халқимиз ҳаёти фаровонлиги йўлидаги мақсадимиз учун қатъий ҳаракат қиламиз!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамisha халқ билан! Биз билан бирга бўлиң!
Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз берин!

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

га етказиб, тушунтириб беришдан иборатдир.

Маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдига турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати, аввало, уларнинг қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Мафқураси учта асосий гоғдан иборат. Булар Ижтимоий тенглик ва адолат, Ижтимоий бирдамлик ҳамда Ижтимоий демократияга эришишдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур гоғлар учун курашини ўзининг бош мақсади этиб белгилаган. Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашган жамиятда ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти юқори бўлиши шубҳасиз. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатаяптики, иқтисодий муаммоларни, иқтисодий инқирозни бартараф этиш мумкин. Аммо ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий инқироз оқибатларини юмшатиш осон кечмайди. Бу жуда катта куч, вақт, энг муҳими, узоқни ўйлаб оқилна сиёсат юриштириш талаб этади. Айрим мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ҳимоя масалаларига эътиборсиз қараш натижасида жуда катта ижтимоий танглик келиб чиққан маълум. Шу боис адолатли жамият аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳамisha химоя қилишни ўз зиммасига олиши шарт!

Партиямиз гоғлари давлат ва жамиятда тинчлик ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга муҳим аҳамият касб этади.

Партиямиз Ижтимоий адолат ва тенглик, деганда ҳуқуқ ва имкониятлардан барча фуқароларнинг бирдек эркин фойдаланишидаги тенглик ва адолатни назарда тутади. Зеро, инсонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонун билан қафолатланган жамиятда адолат ва инсонпарварлик устувор бўлади.

Маълумки, халқимиз ҳамisha ўз иқболини бирдамликда, ҳамқору ҳамдўстликда яратиб келган. Бунда аҳолининг миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий аҳолидан қатъи назар бир-бирига меҳр-оқибати, бағрикенглиги юксак қадрланади. Ижтимоий бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш бўлган жамиятда ҳаётий зарур эҳтиёжларини етарли даражада таъминлаш устувор мақсад қилиб қўйилган. Бунда аҳолининг ижтимоий ва пенсия таъминотини қафолатлашга ҳам муҳим аҳамият қаратилди. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, кўп болали оналар умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир.

Маълумки, 2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш Концепциясида дунёнинг ўртача ривожланган мамлакатлари қаторига киритиш бош мақсад этиб белгиланган.

Партиямиз мазкур мақсадга эришишда биринчи навбатда, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳисобга олиш зарур, деб билади.

Булар:

– пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори турмуш кечириш учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, кўп болали оналар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари; – банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами,

Сайловолди дастуриимизда ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархлари, тарифлари белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги учун уларнинг рўйхати белгиланишини давлат томонидан тартибга солиш, буни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш тақлиф этилмоқда.

Яна бир долзарб масала – аҳолининг **ижтимоий заиф қатламини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ**. Бу, албатта, ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишидир.

Мазкур йўналишда сайловолди дастуриимизда аниқ ташаббус илгари сурилмоқда. Яъни, ҳашаматли ипотека турар-жойларини кураётган қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмаларни махсус фондга жамлаш, ушбу маблағларни ижтимоий турар-жойлар – муниципал уйлар қуришда фойдаланиш зарур. Бу уйлар уй-жойга юқори даражада муҳтож кишиларга берилиши лозим.

Сайловолди дастурига киритилган яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, **коммунал хизматлар, уй-жой фондидан фойдаланиш нарх-наво ва тарифларининг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик** учун маълумотлар очиқлигини таъминлаш, коммунал хизматларга ўрнатилган тарифлар устидан жамоатчилик назоратини кўчатириш вазифа этиб белгиланди.

Сайловолди дастурига **аҳолининг заиф қатлами ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокама ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш** шартлигини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси киритилган.

Барчанинг таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосидир.

Партиямиз таълим соҳасида куйидаги ижтимоий вазифаларни амалга оширишни муҳим, деб ҳисоблайди:

– бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда 6 ёшли болаларни мажбурий мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш;

– бошланғич синф ўқувчиларининг рационал овқатланишини таъминлаш учун таълим муассасаларида сифатли нонушта бериш тизимини амалиётга жорий этиш;

– ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш учун республикадаги барча таълим муассасаларида, қишлоқ ва маҳаллаларда спорт муассасалари ва майдончаларини бунёд этиш;

Иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари ҳамда соғлиқни сақлаш, педагогика соҳалари учун олий маълумотли кадрларга юқори эҳтиёж мавжуд. Қишлоқ жойларда ишлаш шарти билан **олий таълим муассасаларига ёшлар давлат гранти асосида ўқишга кириши бўйича имтиёзлар жорий қилиш ташаббуси** билан чиқмоқда.

Шунингдек, тўлов-шартнома асосида тахсил олаётган кам таъминланган оила фарзандларига имтиёзли таълим кредитларини тақдим этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тахсил олиш имкониятини кенгайтириш бўйича янги тақлифлар илгари сурилди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ижтимоий ҳимоясини кўчатириш, оила институтини мустаҳкамлаш, шунингдек, **"Меҳрибонлик" уйлари**ни босқичма-босқич Болалар шаҳарчаси ҳамда оилавий тарбия муҳитига яқин муқобил шакллари

ОИЛАЛАРНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамасининг 2019 йил 17 июлида "Болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳар йилги Халқаро форумни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Sen yo'l'iz emassan" республика жамоатчиликлари болалар жамғармаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон миллий университети билан ҳамкорликда БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси ваколатхонаси кўмагида "Ўзбекистонда бола ва оилаларнинг фаровонлигини таъминлашда ижтимоий ишчи мустаҳкамлаш" мавзусидаги Халқаро конференция ўтказилди.

Мазкур конференция 2004-2018 йилларда ўтказилган Халқаро форумларнинг мантисий давоми ҳисобланади. Унда аввалги Халқаро форум ва конференцияларнинг тавсияларини амалга оширилиши ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш соҳасида янги вазифа ва истикболлар кўриб чиқилди.

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Халқаро форумнинг мақсади ижтимоий ишчи режалаштириш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва систематик инвестицияларни жорий этиш учун қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистонда болалар ва оилалар фаровонлигини таъминлашга стратегик ва барқарор ёндошув сифатида кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш йўли билан болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги устувор йўналишларини амалга оширишдан иборат.

муҳокама қилинди. Форум катта аҳамиятга эга бўлган ҳодиса – Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятининг 15 йиллигига ҳам бағишланди. Бу вақт давомида РБИММ мутахассислари болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистондаги болалар ва оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш соҳасида бе-баҳо тажриба тўпладлар, форумнинг умумий йиғилишида бу кўрсаткичлар юзасидан тақдиротлар қилинди.

Халқаро форумда Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари (ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа), АҚШ, Швейцария, Россия, Армения, Қозғоғистон каби давлатлардан етакчи хорижий мутахассислар иштирок этдилар.

Зарина РУСТАМОВА

НОҚОНУНИЙ ВАЛЮТА САВДОСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда валютага оид тартибга солишнинг бозор механизмлари жорий этилган бўлиб, фуқаролар банкларнинг махсус шохобчаларида чет эл валютасини эркин сотишлари ҳамда тижорат банкларининг конверсион бўлимларида эркин харид қилишлари мумкин.

Бироқ мавжуд имкониётлардан тўғри фойдаланмасдан қин-гир йўлни танлаб, кўчада "қора бозор" ташкил қилиб, ноқонуний валюта олди-сотида билан шуғулланаётган қимсалар ҳам учраб турибди. Қуни кеча жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судида мана шундай йўлдан адашган фуқаро — Д.Шодиевнинг (исм-шарифи ўзгартирилган) жинойат иши қўриб чиқилди.

Воқеа Бектемир туманида жойлашган "Қўйлик ота" мақбраси атрофида содир этилган бўлиб, унда Д.Шодиев ҳар бир АҚШ долларини "қора бозор" нархида 8.400 сўмдан ҳисоблаб, Л.Жамроевдан 100 АҚШ долларини 840.000 сўмга сотиб олган вақтда Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Миробод туман ҳокими томонидан тезкор тадбирда қўлга олинган. Д.Шодиевдан муомалага киритилган 840.000 сўм пуллар ва яна ёнидаги 39.500 тенге пул бирлиги ҳолилар иштирокида баённома асосида расмийлаштирилиб олинган.

Бобир УТАМУРОВОВ, Жинойат ишлари бўйича Бектемир туман судьяси

ЯНГИ ИМКОНИЁТЛАР САРИ ҚАДАМ

Лондон фонд биржасида листингга киритилган ва халқаро капитал бозорларида сотувга чиқарилган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг 300 миллион АҚШ доллари миқдордаги халқаро облигациялари инвесторлар томонидан юқори баҳоланди.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда хусусий, шу жумладан хорижий инвестицияларни республикадаги лойиҳаларга кенг жалб қилиш учун халқаро капитал бозорлари мўҳим роль ўйнайди. Бу борада жорий йил февраль ойда мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг 1 миллиард АҚШ долларига тенг суверен облигацияларнинг халқаро капитал бозорларида муваффақиятли жойлаштирилиши юртимиздаги тижорат банклари ва корхоналар учун янги имкониёт яратди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан корпоратив халқаро облигациялар чиқариш бўйича JP Morgan, Citigroup, Commerzbank, Raiffeisen Bank сингари халқаро инвестиция банклари (молиявий консўлтантлар) тавсиялари асосида тайёр-гарлик ишлари амалга оширилди. Жорий йилнинг 18-22 ноябрь кунлари Цюрих, Франкфурт ва Лондон шаҳарларида олтишга яқин инвесторлар билан учрашувлар ва музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда инвесторларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, банк соҳасида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиши ва Тараққиёт жамғармаси томонидан йирик тижорат банкларининг капитализацияси ва кредитларни мазкур жамғармага ўтказиш борасидаги ҳукумат стратегияси, Ўзбекистондаги банкларни хусусийлаштириш истисқоллари, халқаро облигация маблагларининг қайси лойиҳаларга йўналтирилиши, банкнинг бошқа ресурс базасини шакллантириш манбалари, Ўзсаноатқурилишбанкда трансформациядан кейин қўл-лаётган активлар ҳолати, кредит сийбати, муаммоларни активлар динамикаси тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, банкнинг трансформация жараёни (жумладан, хусусийлаштиришга тайёргарлик) ва унда Халқаро молия корпорациясининг иштироки ҳамда корпоратив бошқарув тизимининг тақомиллаштирилиши йирик инвесторлар томонидан ижобий қабул қилинди.

Банкнинг бизнес модели тижорат фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва босқинча-босқин хусусийлаштиришга қаратилганлиги туғайли, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ инвесторлар томонидан давлат банкни эмас, тижорат банкни сифатида қабул қилиниши ҳамда Россиянинг "Московский кредитный банк" (5 йиллик 5,3 фоиз), Грузиянинг "TBC Bank" (5 йиллик 5,75 фоиз купон), Туркиянинг "Akbank" (5 йиллик 6 фоиз) каби банкларга таққосланди.

Жорий йилнинг 25 ноябрь кунин инвесторларнинг тақлифларига асосланган молиявий консўлтантларнинг тавсиясига қўра, банкнинг 5 йиллик халқаро облигациялари учун илк даромадлилик ставкаси 6,50 фоиз этиб белгиланди ва Лондон вақти билан соат 08:23да транзакция эълон қилинди. Бюртмалар ҳажми соат 10:00да 300 млн. доллар (транзакция тўлиқ қолланди) ва 12:10да 800 млн. долларни (транзакция 2,5 баробар тўлиқ қолланди) ташкил этди.

Лондон вақти билан соат 12:25да облигацияларнинг даромадлилик ставкаси 0,125 фоизга вебсайтирилди ва янги ставка 6,375 фоиз эълон қилинди. Мазкур стратегия инвесторларга маъқул келди ва 13:05га келиб бюртмалар ҳажми 1 млрд. доллардан ошди. Соат 14:00да бюртмалар китоби 1,2 млрд. доллар билан, яъни транзакцияни 4 баробардан юқори қолган ҳолда ётилди.

Талабнинг юқорилиги натижасида молиявий консўлтантлар даромадлилик ставкасини 6 фоизга туширишга муваффақ бўлишди. Транзакция Лондон вақти билан соат 17:00да 5,75 фоиз купон ставкаси билан қўрилди.

Мазкур транзакция Ўзбекистон тарихида илк бор "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан чиқарилган корпоратив халқаро облигациялар бошқа тижорат банклари ва корхоналар учун "бенч-марк" бўлиб хизмат қилди.

Дунё бозори сари ташланган мазкур дадил қандаминг халқаро инвесторлар томонидан ижобий қабул қилинган жараён ҳам-жамияти томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчи-лигида амалга оширилган кенг қулави иқтисодий ислохот-ларга берилган яна бир юксак баҳодир.

Банк Ахборот хизмати

Манзил: Яққасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнара колле-жи фаолиятини тугатмоқда. Шу боис коллежа оид барча даъво ва аризаларни Яққасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 8-уй манзилида 1 ой муддатда қабул қилинишини маълум қилами.

Мурожаат учун телефон: (71) 250-98-04, (71) 250-36-18. Манзил: Яққасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 8-уй.



"ХАВФСИЗ ХОНАДОН" КОНЦЕПЦИЯСИ

Кейинги пайтларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкнинг ишончли кўриқлаш, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни ҳимоялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг кўриқлашнинг таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Президентимизнинг мазкур қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойатчиликка қарши курашиш тизимига "Хавфсиз хонадон" концепциясининг жорий этилиши бу борада янада энгилликлар яратди, деб айтиш мумкин. Халқимизда "Ўз уйингни ўзинг асра" деган нақл бор. Баъзида бунинг ўзи камлик қилади.

"Баҳарти асрашга унчалик кўзинг етмаса, кўриқлаш хизматига юзлан", деган қўшимча қўшмоқчи эдик. Олмазор туманидаги "Чимбой" ва "Зиё" маҳаллаларида ташкил этилган тарғибот-ташвиқот тадбирида бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Тадбирда сўз олганлар ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг кўриқ-ланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, мулкка бўлган таъвозуни профилактика қилиш ва олдини олишда аҳолининг замонавий ахборот-ком-муникация технологияларидан кенг фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида амалга ошири-лаётган ишларга тўхталиб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тош-кент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси 4-Алоҳида батальон командири ўринбосари, подполковник Т.Эргашов ҳамда 4-Алоҳида батальон шахсий таркиби томонидан фуқа-ро хонадонлари, савдо дўконлари ва хўжалик объектла-рини Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Техник кўриқлаш маркази орқали ишончли кўриқлашга олиш муҳимлиги тушунириб ўтилди. Кўргазмали тарзда ту-шунтириш ишлари олиб борилган тадбирда аҳолини қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

"Хавфсиз хонадон" концепциясининг амалиётга жо-рий этилиши натижасида кўриқланадиган объектлар-дан келиб тушган хабар жойига нафақат кўриқлаш хиз-мати ходимлари, балки энг яқин патруль гуруҳининг тез етиб боришини таъминлаш механизмлари ишлаб-чиқилган бўлиб, бундан буён фақатгина кўчмас мулклар билан бирга, транспорт воситалари ва бошқа ҳаракат-ланувчи объектларни кўриқловга олишга эътибор ку-чайтирилди.

Бу орқали эса фуқароларнинг кўриқлаш хизматига ишончини ва ўз мулкларини кўриқлаш хизмати орқали ҳимоя қилиши кенгайди. Натижада фуқароларнинг мол-мулкига нисбатан бўладиган жинойий таъвозуларнинг камайишига эришилади.

Зиёда РАСУЛОВА

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишларнинг ичидан жуда оғир кечадиган турлардан бири, бу – ботулизмдир.

Ботулизм касаллиги келиб чиқишининг асосий сабабчиси Clostridium Botulinum таёқчаларининг вегетатив шакли ишлаб чиқарадиган, оксиддан иборат нейротоксиндир.

Ботулизм таёқчаси анаэроб – яъни кис-лородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлгани са-бабли ташқи муҳит таъсиротларига ўзда ҳам чидамли бўлиб, қайнатилган ҳам ўлмай-ди, 120 даража ҳароратда 30 дақиқада, спора-си 200 фоизли зарарсилантирувчи фор-малин таъсирда 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини меъда ва ичак шираси таъсирда ўз кучини йўқотмайди, у қонга сўрилиб, инсон организмни заҳар-лайди. Ботулизм бактерияси ташқи муҳит-да куруқ шароитда, тўпуроқда узоқ йилла-рча сақланади.

Ботулизм касаллиги асосан уй шароити-да тайёрланган дудланган балик ва гўшт, сабзавот ва мева консерваларини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади. Аҳоли ўрта-сида ботулизм билан хасталаниш асосан но-ябрь ойидан бошланиб, май ойларигача, яъни, уй шароитида тайёрланган консерва махсу-лотларини истеъмол қилиш даврида қайд эти-лади. Ботулизм билан касалланиш ҳоллари ташқи қилинганда, асосан уй шароитида тай-ёрланган маринадланган бодиринг, помидор,

патиссон, қалампир, кўзиқорин, қарам кон-сервалари, баклажон икриси ва дудланган балик каби маҳсулотларни истеъмол қилиш касаллигининг келиб чиқишига сабабчи бўла-ётганини кўрсатмоқда. Касаллиқнинг клиник белгилари тўсат-дан бошланиб, беморлар хасталик бошлан-ган вақтини аксарият ҳолларда аниқ айта-дилар. Ботулизм ҳолсизланиш, бош оғриги, оғиз қуриши билан бошланади. Баъзида кўнгил айниши, қайт қилиш, бош айланishi бу 1-2 маротаба ичнинг суяк кетиши каби касаллик белгилари қисқа вақт кузатилади. Бундан ташқари, тўш суяги ортида оғриқ кузатилиб, тез-тез кекириш пайдо бўлади. Шу ўринда оғриқ ва дамланishi ҳоллари ҳам учрайди. Қайт қилиш ва ич кетиши қисқа вақт давом этиб, неврологик белгилар бош-ланганидан сўнг одадага йўқолади. Ич кети-ши тўхтаб, қабзият юзага келади, меъда-дан ўзқанда моддасининг эвакуацияси секин-лашиб, хатто тўхтаб қолиши мумкин. Кўз олдида "туман", "парда" пайдо бўлиши, битта буюмининг иккита бўлиб кўриниши, кўз со-ҳасининг ҳаракати цекланиши, қорачик-лар кенгайиб, кўз қовоқларининг икки то-монлама қисилиши, ютинининг қийинла-шуви ёки умуман амалга ошмай қолиши, овоз ўзгариб пасая бориши ва тиниқлиги-нинг йўқолиши, оғир ахволларда эса бе-

морнинг гапига тушуниб бўлмаслик каби касаллиқнинг неврологик белгилари яққол намоён бўлади.

Ботулизм билан касалланишнинг олди-ни олиш учун қуйидаги оқидий қондаларга қатъий риоя қилишни тавсия этамиз:

- 1. Бозорларда ва аҳоли гавам бўладиган жойларда фуқаролар томонидан уй шароит-ларида тайёрланб, ноқонуний равишда со-тилаётган сифати кафолатланмаган дудлан-ган гўшт ва баликларни ҳамда сабзавот-мева консерва маҳсулотларини харид қилманг.
- 2. Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балик, кўзи-қорин ва сабзавот-мева консерва махсу-лотларини ҳамда дудланган гўшт ва балик маҳсулотларини харид қилишдан олдин, ушбу маҳсулотларни ёрлиқлари ва мувофиқлик сертификати борлигига эътибор беринг.
- 3. Дўконлар ва бозорлардан сақлаш му-датлари ўтган, ёрлиқлари йўқ, идишларининг бўтулиги бузилган, қопқоқлари шилланган ҳамда мувофиқлик сертификати эга бўлмаган кон-серва маҳсулотларини асло харид қилманг.
- 4. Эҳтиёткорлик чораларини кўрган бўли-шингизга қарамастан, ўзингизда ёки яқин-ларингизда касалликнинг юқорида қайд этиб ўтилган аломатларини сезсангиз зудлик бил-ан энг яқин тиббиёт муассасасига мурожа-ат этишни унутманг. Ўз вақтида кўрсатилган маалаки тиббиёт ёрдамига беморнинг тез кунда соғайиб кетишига имкон яратди.
- Узингиз ва яқинларингизнинг саломат-ликлари ўз қўлингиздалигини унутманг.
- М.ШОДИЕВ, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририя компьютер марказида териқди ва саҳифаланди.

Реклама ва эълонлар

ЎЗУМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! "Олмазор кичик саноат зонаси" акциядорлик жамияти Сизларни жамият ҳудудида жойлаш-ган ер ва бино-иншоотларни имтиёли равиш-да узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказилаётган

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майда-ги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 4 июлдаги 463-сонли қарорлари, Тош-кент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаоли-ят кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини муво-фиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2019 йил 27 ноябрдаги 28-сонли баёни.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 24.12.2012 йилда № 000039-08 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "NUR-KOJ - PLAST" МЧЖ (СТИР 204703929) таъсисчиларининг 28.11.2019 йилдаги № 70-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 28-уй манзи-лида қабул қилинади. Телефон: +99871 273-89-89.

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 268-мак-таб томонидан 2000 йилда Ризаева Хилола Ри-вожиддиновна номига берилган О'Р-2 № 194941 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 5 де-кабр кунин ҳаво ўзгариш тур-ради ёттиғарилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кун-дузи — 15-17 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг монито-риг хизмати маълумотиға кўра, 5 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳам муҳитида зарар-ли моддаларнинг бир оз тар-қалиб кетишига имкониёт яратди, ифлосланиш дара-жаси наст бўлади.